

ИНСОН МАЪНАВИЯТИ ВА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Чирчиқ шаҳар 1-сон техникуми
Ижтимоий-гуманитар
фанлар
кафедраси ўқитувчи Ф.О. Расулова.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ҳаётнинг гултожи бўлган инсон ва унинг моҳияти, унинг ахлоқи, қарашлари, унинг билиш масаласи, бу масалада фалсафий мутафаккирларнинг фикр ва мулоҳазалари, тасаввуф фалсафасида инсонга берилган таъриф каби масалалар баён этилди.

Калит сўзлар

Инсон, маънавият, миллий ўзлик, қадрият, илмий-техника инқилоби, табиат, жамият, комил инсон, рационал билиш, билиш, ақл-заковат.

Инсон, унинг табиати ва моҳияти илм-фан ва фалсафий фанларнинг диққат-марказида турган муаммолардан бўлган. Бугунги кунга келиб эса илмий-техника инқилоби оқибатлари ва умумбашарий муаммолар ҳал этилишининг кескинлашуви туфайли ҳаёт маъноси айниқса долзарб бўлиб турибди. Жамиятнинг асосий негизи бўлган инсон инсонни яхлит ўрганар экан, уни бир бутун (космик) система ичидаги алоҳида яхлитлик деб билади ва рационал (ақл ва фаросат) нуқтаи назаридан тарихий мавжудот сифатида ўрганади.

Сукротнинг «ўзлигини бил» деган ҳикматли сўзи ҳар бир тарихий даврда янгича аҳамият касб этади. Инсонда бутун олам ва жамиятнинг моҳияти мужассамлашгандир. Улуғ мутасаввуф Абдулҳолиқ Ғиждувоний инсонни «кичик олам» деб ҳисоблаган. Фан оламида баҳс юритиладиган барча масалалар инсон муаммосига бевосита даҳлдордир. Шу маънода, инсон, аввалло, ўзи учун

зарур бўлган фанларни, илмлар ва билимлар тизимини яратган. Табиат, маданият, сиёсат, цивилизация, билиш қаби масалалар инсон манфаатлари ва инсоний моҳиятнинг намоён бўлиш шакллариidir. Уларнинг барчаси инсон табиати ва моҳияти билан боғлиқдир.

Инсон ўзлигини англаши учун аввало ўз тарихини, миллий қадриятларини, урф-одатларини, бизлар кимларнинг авлоди эканлигимизни, қандай буюк мутафаккирлар ва тарихий шахслар тарихимизда яшаб ўтганликларини билиши ва англаши зарур бўлади. Ана шунда унда ўз миллий тарихи ва ўтмишидан фахрланиш туйғулари пайдо бўлди.

Ўзликни англаш ва инсон тушунчаси: Инсон учун қайғуриш, комил инсоннинг дунёқарашини шакллантириш, унинг эркин бўлиши, озод ва ҳур яшаши, маданий-маънавий, ахлоқий жиҳатдан камол топиши ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг юксак даражада эъзозланиши ва ҳурмат қилиниши зарурлиги ҳақидаги гоё фалсафий фанларнинг ҳеч қачон эскирмайдиган ва аҳамиятини йўқотмайдиган асосий масаласидир.

Қадимги Хитой файласуфи, **тарихчи ва давлат арбоби Конфуций (Кун Фуцзи, мил. авв. 552-479)** ўзининг фалсафий қарашлари марказига инсон ва унинг камолоти масаласини қўйган. Унинг таълимотига кўра, ҳар бир инсон ўз ҳаётида дао қонунларига амал қилиши, илм орқалигина идеал инсон даражасига етиши мумкин. Ҳар бир инсон камолотга эришмоқ учун ахлоқий қоидаларга амал қилиши, ўзида одамийлик, инсонга ҳурмат ва муҳаббат ҳиссини тарбиялаши керак. Конфуций томонидан ахлоқий онгнинг инсон борлигининг туб асоси сифатида таърифланиши муҳим аҳамиятга эга эди. Конфуцийнинг **"ўзингга нимани истасанг, бошқаларга ҳам уни раво кўр"**, деган фикрида инсонийлик, кишиларга иззат ҳурмат кўрсатиш йўллари ифодаланган. У яна билиш - инсонни билишдир, деб айтган эди.

олам сифатида қарадилар.

Қадимги Юнон файласуфи Сукрот (мил. авв. 469-399) инсон, унинг ахлоқи масалаларига алоҳида эътибор берган. У **"билим фазилятдир"**, деган ҳикматли

иборани илгари сурди. Унинг фикрича, инсон ҳаётининг маъноси баркамолликка интилиш, узликни англаш ва ўз ахлоқий моҳиятини рўёбга чиқаришдир.

Мутафаккирларимизнинг инсон ва унинг моҳияти ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир. Қадимги Юнон файласуфлари, жумладан, Афлотун ва Арасту ғояларини Марказий Осиёлик олимлар – Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқалар кенг тарғиб этдилар ва уни янги ғоялар билан бойитиб, ижодий ривожлантирдилар. Жумладан, Абу Наср Форобий (873-950) инсоннинг Оллоҳ томонидан яратилганлиги тўғрисидаги диний ғояни эътироф этгани ҳолда, инсон моҳиятини илмий тушунтиришга, унинг моҳиятини тафаккур ва мантик қонунлари асосида изоҳлашга ҳаракат қилди.

Форобийнинг фикрича, инсон бутун олам тараққиётининг маҳсулидир. У ўзининг “Фозил одамлар шахри” асарида инсоннинг барча олийжаноб фазилатлари илм туфайли эканлигини, инсон ҳаётининг мақсади бахтли бўлиш эканлигини кўрсатди. У мамлакат ободончилиги, эл-юрт тинчлигини адолатли ва маърифатли ҳукмдор шахси билан боғлайди.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) ва Абу Али Ибн Сино (980-1037) инсоннинг бошқа мавжудотлардан устунлиги ақл ва тафаккур туфайли эканлигини исботлашга, илм шарофати билан ақл ва тафаккурнинг камол топишини асослашга ҳаракат қилдилар.

Ғаззолий “Кимёи саодат” (“Бахт-саодатга зришув қалити”) асарида инсон вужуди (танаси)ни бамисоли бир мамлакатга, инсон дили (руҳи)ни подшога, ақлни эса вазирга қиёслади. Инсоннинг сезги аъзоларини вазир ҳукмларини бажарувчи аскарларга ўхшатди.

Навоий ўзининг “Вақфия” асарида, “Бутун осмон ва осмондаги жамики нарсалар, бутун ер юзи ва ер юзидаги жамики нарсалар, ҳамма денгизлар ва унда мавжуд бўлган ҳамма нарсалар, ҳамма мамлакатлар ва уларда бор жамики неъматлар-бари, энг яхши нарсалар инсон учун, унинг бахт-саодати учун яратилган, буларнинг жами-инсонга хизмат қилмоғи керак”, деб ёзган эди.

Инсонда буюк мутафаккирларимиз таъкидлаганларидек, бебаҳо марварид-ақл-заковат мавжуд. Унда табиат ва жамиятнинг сир-асрорларини ва юксак чўққиларини билиш қобилияти жамулжамдир. Инсон ва унинг моҳияти ҳақидаги дастлабки бундай фалсафий таълимотлар Қадимги Ҳиндистон, кейинроқ Хитойда ривожланди.

Марказий Осиё халқларининг исломгача бўлган фалсафий тафаккури диний-мифологик таълимотлар билан уйғун ҳолда ривожланган. Улар бизга диний-фалсафий ёдгорликлар орқали етиб келган. Жумладан, “Авесто”да инсоннинг моҳияти, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, инсон ҳаётининг маъноси сингари масалаларни ўзида акс эттирган қарашлар ўз ифодасини топган. Масалан, “эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал инсон борлигининг туб асоси, маънавий баркамоллик инсон ҳаётининг бош мақсади сифатида улуғланади”.

Тасаввуф фалсафасига кўра, инсон борлиқнинг энг мукаммал мавжудоти ҳисобланиб, у ўзида оламнинг моҳиятини мужассамлаштирган.

Шарқ фалсафаси инсоннинг ички оламини янада тақомиллаштиришга қаратилган эди.

Шарқ мутафаккирлари жамиятдаги тартиб, бошқариш ва ахлоқнинг ўзгаришини инсоннинг ижтимоий муҳитга мослашуви билан боғлар эдилар. Тарихан таркиб топган ижтимоий тартибларни ўзгартириш инсониятга мислсиз кулфатлар келтиришини уқтирганлар.

Хозиргача эришилган юксак цивилизация сабоқларига асосланиб инсон муаммоси таҳлилида янги давр фалсафий таълимотлари ўртага қўйган ғояларга ҳам таянмоқ керак. Янги инсон модели табиий инсон моделини ҳам ўзига сингдиради. Шу сабабли янги ижтимоий, маънавий инсон модели юзага келди. Хозирги инсон кўпроқ шартли мулоҳазалар асосида яшашга мойилки, уни бундай яшаш ва фикрлаш йўлига радио, телевидение, кино, интернет оқимининг кучайиб кетиши ва албатта, ўзининг мустакил фикр - ўйлари олиб келган.

Фойдаланган адабиётлар:

1.С.Отамуратов, Ж.Раматов ,С.Хусанов:“Маънавият асослари”. Тошкент, 2000й

2. Фалсафа асослари (Муаллифлар гуруҳи), Т.: 2004 йил

3.Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри”. Т, 1993й.

4.Мустақиллик изоҳли оммабоп луғат-2002 йил.